

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>З.Пардаева</b>	
Кредит-модуль таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилиш модели .....	94
<b>Ҳ.Жўраев, З.Раҳимов</b>	
Фурқат ижодининг ўзига хос хусусиятлари .....	103
<b>Х.Шарафиддинов</b>	
Қофиянинг функционал ва структурал эволюцияси .....	106
<b>Г.Муҳаммадҷонова</b>	
Ижод психологизмининг бадиий талқини .....	110
<b>Я.Нишанов</b>	
Америка адабиёти тарихи: "Ва қуёш чиқмоқда" романидаги йўқотилган авлод.....	114
<b>А.Маҳмудов</b>	
Олмон адабиётшунослигида Шарқ мавзуси ва унинг эстетик роли .....	119

## ТИЛШУНОСЛИК

<b>А.Мамаҷонов, М.Мамаҷонов, Б.Полвонова</b>	
Тилшунослиқда вариантлик масаласи ва унинг бошқа ҳодисалар билан муносабати .....	124
<b>С.Мўминов, А.Юлдашев</b>	
Сўз илмий талқинига бир назар.....	130
<b>М.Зокиров, Ф.Исомиддинов</b>	
Билингв нутқида фонетик интерференциянинг намоён бўлиши хусусида .....	134
<b>Н.Умарова, О.Холматова</b>	
Мақол ва матал тушунчаси, мақоллар семантикаси хусусида .....	139
<b>Г.Розиқова, М.Қурбонова</b>	
Чўлпон ва Бехбудий асарларида окказионал бирликларнинг қўлланилиши.....	143
<b>Х.Сотвалдиева</b>	
Инглиз тилини хорижий тил сифатида ўқитишда мақоллардан фойдаланиш .....	147
<b>Ш.Кахарова</b>	
Ўқитувчи мулоқот ҳулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари .....	151
<b>Р.Абдуллаева</b>	
Дунёнинг лисоний мақол манзарасида одамга эстетик баҳони ўрганиш муаммолари .....	155
<b>Г.Мамадҷанова</b>	
Лингвокультуремаларнинг фрейм тақдимотлари параметрлари .....	159

## ПЕДАГОГИКА

<b>Т.Эгамбердиева</b>	
Талабаларда интеллектуал маданиятни ривожлантиришнинг педагогик таҳлили ва талқини .....	164
<b>Х.Ибраимов, К.Тоджибаева</b>	
Бўлажак тарбиячи ва бошланғич синф ўқитувчиларида инклюзив компетентликни ривожлантириш ижтимоий зарурат сифатида .....	170

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>М.Ҳакимов, Ш.Умурзакова</b>	
Озиқ-овқат микробиологияси ва биотехнологияси фанини ўқитишнинг назарий масалалари ва мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.....	174
<b>Н.Валиева</b>	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўйича қўмитанинг ташкил этилиши омиллари.....	179
<b>М.Расулов</b>	
Ўзбекистон тарихини ўрганишда маданий мерос объектларининг ўрни .....	182
<b>Ф.Каримова</b>	
Ўзбек халқ лирикасида олов аналогларининг бадиий вазифаси .....	186

## ЧЎЛПОН ВА БЕХБУДИЙ АСАРЛАРИДА ОККАЗИОНАЛ БИРЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

### ПРИМЕНЕНИЕ ОККАЗИОНАЛЬНЫХ ЕДИНИЦ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ЧУЛПОНА И БЕХБУДИ

#### APPLICATION OF OCCASIONAL UNITS IN CHOLPON AND BEHBUDIY'S WORKS

Розиқова Гулбаҳор Зайлобидиновна, Қурбонова Моҳинур Абдусоли қизи

Розиқова Гулбаҳор Зайлобидиновна

–Фарғона давлат университети, филология фанлари номзоди, доцент.

Қурбонова Моҳинур Абдусоли қизи

–Фарғона давлат университети, ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

#### Аннотация

Мақолада окказионал бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари, ўрганилиши, бундай бирликларнинг Чўлпон ва Беҳбудий ижодида тўғри масаласи таҳлил этилган.

#### Аннотация

В статье анализируются особенности окказиональных единиц, их изучение, роль таких единиц в творчестве Чулпона и Беҳбудии.

#### Annotation

This article analyzes the specific features of occasional units, their study, the role of such units in the work of Cholpon and Behbudi.

**Таянч сўз ва иборалар:** индивидуал нутқ неологизми, окказионал сўз, окказионал маъно, калька, бадиий-эстетик вазифа.

**Ключевые слова и выражения:** индивидуальный речевой неологизм, окказиональное слово, окказиональное значение, калька, художественно-эстетическая функция.

**Key words and expressions:** individual speech neologism, occasional word, occasional meaning, calque, artistic-aesthetic task.

Тил ижтимоий, динамик ҳодиса бўлиб, у тинимсиз ривожланиб, янгиланиб боради. Тилда пайдо бўлган янги тил бирликлари тилшуносликда “**неологизмлар**” номи билан юритилади. Аммо тараққиётнинг кейинги даврларида янги сўз ва ибораларнинг серқирра томонларига нисбатан қўлланилаётган неологизм терминининг ўзи етарли бўлмай қолди. Шунинг учун ҳам рус тилшунослигида ўтган асрнинг иккинчи ярмида “**окказионал сўзлар**” термини неологизмларнинг нутқдаги кўринишига нисбатан қўлланила бошланди [3.120].

А.Ҳожиёв окказионализмларни **индивидуал-услубий неологизм** атамаси билан атайди: “Маҳсулдор бўлмаган модель асосида ясалган ва фақат шу нутқий матннинг ўзида қўлланган сўз, индивидуал-услубий неологизм” [8.74].

А.Маматов окказионал сўзлар ва уларнинг адабий нормага муносабатини чуқур ўрганади [2.202-229]. С.Тошалиевнинг “Ўзбек тилида окказионал сўз ясалиши” мавзусидаги номзодлик диссертацияси

окказионал сўзларнинг ясалишига оид илк монографик ишдир [4.]. О.Тўхтасинова эса “Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадиий-эстетик хусусиятлари” мавзусидаги номзодлик диссертациясида окказионализмларнинг ясалиши, лексикографик талқини, окказионаллик ва потенционализм, окказионализмларнинг бадиий-эстетик вазифаси каби масалаларга тўхталиб ўтади [6]. Муаллиф окказионал сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: 1) нутққа – матнга боғлиқлик; 2) ижодийлик; 3) анормаллик; 4) окказионал сўзларнинг тўғри ва нотўғрилигини идрок этиш; 5) қўлланиш жиҳатидан бир марталик; 6) таъсирчанлик; 7) мажбурий бўлмаган номинация; 8) синхрон – диахрон қоришиқлик [6.11].

Окказионал бирликларни номинатив ва бадиий окказионал бирликлар сифатида ажратиш мақсадга мувофиқдир. Рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан кирган сўзларнинг ҳаммаси ҳам ўзбек тилига тўппа - тўғри ва бирдан кириб келаверган эмас. Дастлаб русча сўзни таржима қилишга,

калькалашга интилиш кучли бўлди ва ўзбек тилидан сўзнинг мувофиқ эквиваленти ахтарилди [7.137]. Ана шундай ҳолатда ҳам окказионал сўзлар пайдо бўлди. Бундай бирликлар номинатив окказионал бирликлар ҳисобланади, чунки улар маълум бир шахс, предмет, воқеа-ҳодисани номлаш учун хизмат қилади. Эътиборли томони шундаки, Беҳбудий ва Чўлпон муқобил сўзни ишлатарканлар, қавс ичида ёки тире билан унинг қайси сўз маъносида қўлланганини кўрсатиб ўтадилар.

Чўлпон чет тилдаги сўзнинг моҳиятини яхши англаган ҳолда унинг маъносини ўзбек тили воситалари билан ифодалайди. Масалан, “постановщик” сўзини “қўювчи”, “постановка” сўзини эса “жойланиш” сўзи билан ифодалайди: “*Фақат асарнинг жойланиши (постановкаси) учун қимматли Уйғуримиз кўп тиришқон*”. (Чўлпон, “Чин севиш”)

Чўлпон асарларида *реклама* сўзи муқаддима, *трюк* сўзи *қўрқинч* сўзлари орқали ифодаланган ва ўзига хос окказионал лексика яратилган. *Эълонда: бир-икки соатлик муқаддима (тўғриси, реқлам) дан сўнг “Фарғона фожеалари”нинг саҳнага қўйилғуси хабари берилган* (Чўлпон, “Тарихнинг зарарлик такаррури”); *Бу ҳикоянинг “авжи жойи” ғалати бир “қўрқинч” (трюк) ни кўрсатади* (Чўлпон, “Яна уйланаман”).

Чўлпон *интервью* сўзини *мусоҳаба*, *артист* сўзини *ўхшатғучи* сўзлари орқали ифодалайди: “...*ўртоқ Виттнинг “Ревизор” қўйилиши тўғрисидаги мусоҳабасини ўқидингиз*”. Бу *рўлни атоқли ўхшатғучимиз Уйғур яхши ўйнади*. (Чўлпон, “Чин севиш”)

Беҳбудий *пансионат* сўзини *тарбиятхона*, *протест* сўзини *эътироз* сўзлари орқали ифодалайди: *Болалар учун тарбиятхона (пансиён) очмоқ керак* (Беҳбудий, “Аъмолимиз ённки мурудимиз”); *Кафказли сайёҳ Муҳаммад Саййид афанди Туркистон мактаблари тўғрисида “Оила ва мўтабаран иқбол” жаридасига танқид ёзиб эдики, анинг жавоби ялғуз қуруқ бир эътироз (протест) бўлди* (Беҳбудий, “Танқид – сараламоқдур”)

Беҳбудий узлуксиз ҳаракатланувчи зина – эскалаторга нисбатан *осон* сур ифодасини қўллаган: *Қишлоқлардаги деҳқончиликдан тортиб, шаҳарлардаги эскалатор (“осон сур”) гача унинг эътиборидан четда қолмайди*.

*Осон* сур сўзи “осонлик билан илдамламоқ” маъносига тўғри келади.

Беҳбудий ижодида *станция* сўзи маъносида *мавқуф*, *билет* сўзи ўрнида *тазкира* сўзлари учрайди: *Таажжуби шулки, мавқуфлар (истансалар) атрофида алардан савдо қилатургон эркак, аёл ва бола кўринмайду; Нўмирға нарсаларимизни қўюб, тазкира (билет) имзоси учун Туркия кўнсулига бордим; Лоилож, хуфтонга туролмай, уч-даражанинг анбориға тушуб, жаноби хожи Бақо бергон амонат денгиз курсиси (качалка) устиға узандим*.

Беҳбудийнинг “Аъмолимиз ённки мурудимиз” мақоласида *фойдахўр*, *қарзхоҳ* сўзлари қўлланган бўлиб, улар “судхўр” ҳамда “қарз берувчи одам” маъносидаги шахс номларини ифодалаган: *Бу сўмлар аслинда кимники эди? Бонка, фирма фойдахўрники* (“Аъмолимиз ённки мурудимиз”); *Бечора келин ва куёвни кўрпа ва либосиғача сотилур, қарзхоҳға берилур, нимбойлар синар, аҳли аёли дарбадар бўлур* (“Аъмолимиз ённки мурудимиз”).

“Окказионал сўзлар инсоннинг фақатгина интеллекти – фикрлаш қобилиятигагина эмас, балки унинг ҳиссиётига, воқеликни, дунёни эстетик жиҳатдан қабул қилишига боғлиқ ҳолда дунёга келади” [1.78]. Бу фикр бадий окказионал бирликларга хосдир. Бадий асарлар, айниқса, шеърият бадий окказионализмлар яратиладиган майдон ҳисобланади. Шоир ёки ёзувчи ўзининг хаёлий дунёсини китобхонга етказиш учун изланади. Бадий адабиётда нафақат мазмун, балки сўзнинг қандай жаранглаши ҳам муҳим роль ўйнайди. Мазмун ва жарангдорлик биргалиқда таъсирчанликни вужудга келтиради. Демак, бадий нутқда асосий эътибор ана шуларга қаратилади [5.145].

*Ҳар етим кўзда томчи-томчи заҳар,  
Ҳар фақир уйда инглайиш ва йиғи*  
(Чўлпон, “Яна қор”)

Келтирилган мисраларда Чўлпон ижодига хос иккита окказионал сўзни кўришимиз мумкин: *заҳар* ва *инглайиш* сўзлари. *Заҳар* сўзи “кўз ёши” маъносида қўлланган бўлса, *инглайиш* сўзи “инграмоқ” маъносини ифодалаган. Мисрада келтирилган *заҳар* сўзи туркум жиҳатдан от окказионализмдир. Шоир маънони кучайтириш мақсадида окказионал сўздан фойдаланган. *Инглайиш* сўзи ҳам ўзига хос бадийликни ифодалаган.

*Яна қор. Оқ кафан ўралди яна,  
Яна кўк қуйди ерга парларини.  
Қарғанинг тиллари бурилди яна,*

## ТИЛШУНОСЛИК

*Яна қиш чорлади нафарларини.  
(Чўлпон, “Яна қор”)*

Мисраларда келтирилган оқ *кафан* ҳам муаллиф томонидан қўлланган окказионал бирлик бўлиб, у ўзига хос ўхшатишни ифодалаган. Ижодкорнинг маълум мақсади билан боғлиқ ҳолда салбий бўёққа эга окказионал бирлик ишлатилган.

*Йўқсилларни инграгучи қиш кетиб,  
Баҳор келди, гулбарралар очилди.  
(Чўлпон, “Баҳор келди”)*

Чўлпон томонидан қўлланган *гулбарралар* окказионал ифодаси таркибидаги *гул* ва

*Кўкламойим йўлга чиққан.*

*Кўкламойим кўзғалган.*

*Кўк кўйлакнинг битишига*

*унча кўп ҳам қолмаган. (Чўлпон)*

*Сочимда оқ, мен баҳордан ўтиндим:  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.  
Қор кўйнида сени кўмсаб ўтиндим,  
Кўкламойим, кўкиндан бер бир чимдим.*

(Муҳаммад Юсуф)

“Луғат таркибида ўз ўрнига эга бўлмасдан, якка (индивидуал) нутққа хос ва ўша нутқ (матн) доирасидагина қолиб кетадиган, тасодифий, яъни фавқулдда яратилган ва кўпинча лисоний алоқа жараёнида атиги бир мартагина қўлланадиган сўзлар борки, улар ҳаммиша янгилиги, ғайритабиий туюлиши, бетакрорлиги, адабий нормадан ташқарида бўлиши билан ажралиб туради. Бундай сўзларни халқ ва тил ижодкорлари яратади” [6.3].

Шоир ва ёзувчилар ҳаммиша ҳам янги сўз яратавермайдилар, балки тилда илгари

*Бир неча йил қантарғач  
Яна олдим созимни,  
Энди айтиб йиғламас  
Кўнгилдаги розимни.*

(Чўлпон, “Яна олдим созимни”)

Бадиий нутқда ишлатилган окказионал бирликларни ўрганишдан шу нарса маълум бўладики, улар маълум мақсадларда қўлланади:

*Жонланди, яшарди, кўкарди қарашим,  
Ўзимда бир турли эркинлик сезаман*

(Чўлпон, “Барг”)

Табиатга нисбатан қўлланадиган *жонланмоқ, яшармоқ, кўкармоқ* сўзлари *қараш* сўзи билан контекст доирасида синтагматик муносабатга киришиб, окказионал маънони ҳосил қилган.

Ўсимлик ва мевалар номларини англатувчи атоқли от окказионализмлар гуруҳига кирувчи лексемалар миллий уйғониш даври адабиёти вакилларининг асарларида кўплаб учрайди.

*Сўртақлар юзига чўзилган Занғбу  
Қизи- Япроқхонни уйғотиб олиб,  
Ясан-тусанига эрта-кеч бошлар,*

Келтирилган шеърий мисраларда атоқли окказионал сўз сифатида қўллаб, Чўлпон *Занғбу* ва *Япроқхон* сўзларини ўзига хос бадиийлик ва асарларига хос

индивидуаллик ҳосил қилган. *Занғбу* сўзи ток, узум маъносини ифодаласа, *Япроқхонни* унинг қизи сифатида токнинг барги маъносида қўллади.

Шоир ёки ёзувчилар ижодида - жон, - хон аффикслари шахс билдирувчи отларга эмас, балки нарса-буюм номини ифодаловчи лексемаларга қўшилиб, индивидуал нутқ неологизмлари ҳосил қилинади. Масалан:

*Мевахонлар, шиннижонлар, энди ноз этманг менга,*

*Сиз билан ўйнашғали йўқдид кўнгилда  
ҳафсалам (Чўлпон)*

*Шовқин солиб, бақириб,*

*Чақирасиз, жанглайсиз.*

*Энг сўнг ётиб кампирнинг*

*Чўпчагини тинглайсиз*

Келтирилган шеърий парчада эркалаш маъносини ифодаловчи - жон, - хон аффикслари *мева* ҳамда *шинни* (шинни – тут, узум каби мевалар ширасини қайнатиб тайёрланадиган қиём) сўзларига қўшилиб, окказионал сўз яратилган.

-ла аффикси феъл ясовчилар ичида энг маҳсулдори бўлиб, феълдан бошқа барча туркумдаги сўзлардан феъл ясай олади. Шоир ва ёзувчилар - ла аффиксининг бу хусусиятини ҳисобга олиб, ундан окказионал сўз ҳосил қилишда фойдаланадилар. Мисоллар:

(Чўлпон, “Қиш кечалари”)

*Жим туринг, шовқинламанг, уйқу ичинда ул пари,  
Юрма, тек тур, эй шамол, юрсанг-да юр бир оз нари (Чўлпон, “Уйқу”).*

Бу мисолларнинг биринчисида окказионал қўлланган *жангламоқ*, иккинчисида эса *шовқинламоқ* сўзлари мавжуд. Улар *жангга чорламоқ* бирикмаси ҳамда *шовқин солмоқ* қўшма феъли ўрнида

*Жим тур, фаришта, қанотинг қоқма,  
Фиръавннинг қизи тинчлаб ухласин!*

(Чўлпон, “Клеупатра уйқуси”)

Феълнинг аналитик шакли бўлган *талар эдилар, эмар эдилар, сўкар эдилар* ифодалари Чўлпон ижодида *таларларди, эмарларди, сўкарларди* шаклида қўлланиб, индивидуал нутқ неологизмлари яратилган ва бу ҳам услубий ғализликни вужудга келтирган:

*Шунинг учун тубанларнинг тубани*

*Ёвуз, бузуқ кишилар ҳам эркинча,*

*Таларларди, эмарларди-да уни,*

*Сўкарларди орқасидан ҳар кеча.*

(Чўлпон, “Эркинлик истаги”)

Мисоллардан кўринадики, окказионализмлар бадий нутқда, энг аввало, от туркуми доирасида, сўнгра сифат, феъл, равиш сўз туркуми доирасида учрайди. Окказионализмлар номинатив вазифа бажариш билан бирга бадий-эстетик вазифани ҳам бажаради. Шоир ёки ёзувчиларнинг бадий мақсадини ифодалашда окказионаллар асосий восита бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Лыков А.Г. Окказиональное слово – как лексическая единица речи// Филологические науки. 1971, № 5.
2. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фанлари д-ри ... дис. –Т., 1991.
3. Мўминов С., Байдадаева Г. Эркин Воҳидов шеърларида окказионал антонимларнинг қўлланилиши // Ўзбек услубшунослигининг долзарб муаммолари. –Фарғона, 2006.
4. Тошалиева С. Ўзбек тилида окказионал сўз ясаилиши: Филол. фанлари номзоди ... дис. –Т., 1998.
5. Тўхтасинова О. Бадий окказионализмлар // Ўзбек услубшунослигининг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2006.
6. Тўхтасинова О. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадий-эстетик хусусиятлари: Филол. фанлари номзоди ... дис.авторреф. –Т., 2007.
7. Ўзбек тили лексикологияси. –Т., 1981.
8. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати, –Т., 1985.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)